



Кўксарой қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайерни кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шохсупага таклиф этди.

Ўзбекистон ва Германия давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирларига таништирдилар.

Маросим якунида биргаликда суратга тушилди, сўнг олий даражадаги музокаралар бошланди.

Ташриф тафсилотлари билан батафсил танишиш учун қуйидаги ҳаволага ўтинг:



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Қозоғистон Республикаси Бош вазир Олжас Бектеновни қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазир Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.



Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Миллий энергетика бошқармаси раҳбари Ван Хунжи бошчилигидаги ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари ва молия институтлари делегациясини қабул қилди.



Тошкент халқаро инвестиция форуми дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Буюк Британиянинг инвестициялар бўйича давлат вазир, лорд Джейсон Стоквуд бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ТХИФ доирасида Ўзбекистон – Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, «ACWA» компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайяни қабул қилди.



Тошкент инвестиция руҳи барчангизни мамлакатимизга доим чорлаб туришига, умумий муваффақият рамзига айланишига ишонаман. Юртимизнинг гўзал табиати, бетакрор маданияти ва олижаноб халқимизнинг меҳмондўст қалби эса дўстлигимизни мустаҳкамлаш учун ўзига хос инвестиция бўлишига аминман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ИНВЕСТИЦИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК: ЯНГИ МАРРАЛАР ВА ЯНГИ ШЕРИКЛИК


Пойтахтимизда бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтмоқда.

Форум 100 дан ортқ мамлакатдан 10 мингдан зиёд делегат ва иштирокчиларни бир жойда йиғганининг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганини ҳамда Янги

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга халқаро ҳамжамиятнинг ишончи мустаҳкамланаётганини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНING
БЕШИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО
ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИНИНГ
ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ
ИШТИРОКИ ТАФСИЛОТЛАРИ
БИЛАН БАТАФСИЛ ТАНИШИНГ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВНИНГ БЕШИНЧИ
ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО
ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИНИНГ
ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ



Пойтахтимиз
дунёнинг энг тез
ўзгараётган
шаҳарлари қаторида

Boston Consulting Group халқаро консалтинг компанияси (BCG) томонидан ўтказилган тадқиқотда Тошкент дунёнинг энг тез ўзгараётган шаҳарлари қаторида қайд этилди. Пойтахтимиз «ўзгариш суръати» кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг бир қатор йирик шаҳарларини ортда қолдириб, юқори ўринлардан бирини эгаллаган.

Таҳлил натижаларига кўра, Тошкент «ўзгариш суръати» йўналишида Хитойнинг Шенчжен шаҳри ва Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёддан кейинги юқори поғонани эгаллаган. Бу эса сўнгги йилларда шаҳарда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва модернизация жараёнлари халқаро даражада ҳам эътироф этилаётганини кўрсатади.

Қардош халқлар
Ўзбекистон терма
жамоасига мухлислик
қилмоқда

Озарбайжон бош вазир Али Асадов, Тожикистон бош вазир Қоҳир Расулзода ва Қирғизистон ҳукумати раиси Одибек Қосималиев кеча Тошкентда Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашаркан, жаҳон чемпионатидаги илк иштирокини бошлаётган Ўзбекистонга омад тилади.

Қуйидаги QR
код орқали ушбу
лавҳани кўринг:



МУНДИАЛДА
НИМА
ТАПЛАР?
4 >>>



Ўзбек футболчиларининг
«Жаҳон чемпионати – 2026»да
биринчи бор майдонга
чиқишларига бағишланади.

Она юртим, теракларинг, толларингдан,
Эсган жонбахш, ҳаётбахш шамолларингдан.
Бир замонлар пахтагнни хўп куйлагандим,
Энди бир шеър айтайин футболларингдан.

Рақибимиз Колумбми ё Колумбиё?
Менинг бобом голибми ё, Колумбми ё?
Бизга фақат бир копток бер, кўҳна дунё,
Бор матоҳинг, ашқолу дашқолларингдан.

Футбол, футбол, бир армоним ортиб қолган,
Йиллар мендан коптогимни тортиб олган.
Мен чемпион бўларимдим шу замонда,
Кечиб барча ромларингу фолларингдан.

Ер шари ҳам копток мисол айлонадир,
Айланадир, кеча-кундуз айланадир.
Зўр ўйинга шайланмоқда рўйи жаҳон,
Огоҳ бўлгил корчалон даллоларингдан.

Бош мураббий, яъни жаноб Фабиога,
Бир саволим бордир ноҳос, фавқуллоҳда:
Қай бири зўр: қуролми ё, футболми ё?
Жаҳон бозорига чиққан молларингдан?

Шарку Фарбдан айтсам агар – гапни қўйгин,
Ярми ҳарбу зарб бўлса гар, ярми – ўйин.
Айтгил энди эрта-индин не кутайлик?
Не шамоллар – Жануб ва Шимолларингдан?

Демак, фақат футбол қолмиш, фақат футбол,
Олам аҳлин бирлаштира у бемалол.
Инимжоним, бошингда дўппингдан айт,
Ер юзини забт этган тимсолларингдан.

Исминг Аббосмиди, Шерзод ва ё Элдор,
Сенга ҳамроҳ бўлсин фақат номус ва ор.
Шаштларингда Алломшининг шиддати бор,
Кўксингдаги ёлқинларинг, ёлларингдан.

Президент ўзи дуо берди сизга,
Ўттиз саккиз миллионли халқ изингизда.
Бу ҳисоби дунё дерлар, ҳисобларинг –
Гоҳ нолу бир, гоҳи нолу нолларингдан.

Ҳар бир зарбанг элу юртга тўхфа бўлғай,
Буни ҳеч ким билмаса ҳам ФИФА билғай.
Олам хабар топди номинг янграганда,
Сен етишган марра-ю камолларингдан.

Бу майдонга тушмоқ ўзи ғалабадир,
Марди майдон асли замон талабдир.
Байроқларинг бир қадрдон кўринадир,
Бахтинг балқиб юлдузинг, ҳилолларингдан.

Сен биландир барча мулки Туронийлар,
Отаҳонлар, онаҳонлар, нуронийлар.
Мингга кирган чинорлардан юз минг дуо,
Яна юз минг – кампирлару чолларингдан.

Дилбандларинг – янғроқ сўзинг, ёруғ юзинг,
Уч миллион мухлисларинг – ўғил-қизинг,
Бир халқу бир Ватан бўлиб улғайгуси,
Жужуқларинг – қанду асал, болларингдан.

Шеърим балки бир кун кетар таҳрирланиб,
Мен юз йиллар юрсам бўлғай фахрланиб,
Ўзбекистон, отажоним, болажоним –
Жаҳон майдонида урган голларингдан!

Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

«КЎЧМА КУБОК»КА КУЧЛИЛАР ЭРИШАДИ



Хар қандай соҳанинг ривож, аввало, унда фаолият юритаётган инсонларнинг саломатлиги, касбий салоҳияти ва жамоавий бирдамлигига bog'liq. Айниқса, замонавий рақамли технологиялар соҳасида меҳнат қилаётган мутахассислар учун юқори интеллектуал

салоҳият билан бир қаторда, жисмоний фаолликни ҳам таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар ходимлари касаба уюшмаси Республика

кенгаши ҳамкорлигида тизимда спорт тадбирларини мунтазам ташкил этиш, хусусан, мини-футбол мусобақаларини оммалаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2000 йилда мини-футбол бўйича «Кўчма кубок» таъсис этилган эди. Ўтган 26 йил давомида ушбу

мусобақа соҳанинг энг нуфузли спорт тадбирларидан бирига айланди.

Мусобақанинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда вазирлик тизимидаги акциядорлик жамиятлари, компаниялар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимлар иштирок этадилар. Йиллар давомида мусобақа низоми такомиллаштирилиб, иштирокчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида янги тартиб ва қоидалар жорий этиб берилди.

Жорий йилги баҳсларда 21 та жамоа қатнашди. Финалда Махсус авария тиклаш бошқармаси ва Контакт маркази жамоалари ўзаро беллашишди. Ғолиблик Контакт маркази жамоасига насиб этди.

Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, бугунги кунда АТ соҳаси мутахассисларидан юқори билим ва салоҳият билан бирга мустаҳкам соғлиқ ҳам талаб этилади. Шу боис спорт мусобақаларига соҳа тараққиётининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралмоқда.

Дилдора ДЎСМАТОВА
«ISHONCH»

Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар

Мусобақа

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Фарзандим икки яшарлигида эримдан ажрашдим ва олти йил давомида ундан алимент сўрамадим. Ҳозир моддий қийинчиликлар туфайли алимент ундирмоқчиман. Ўтган давр учун ҳам алимент сўрашга ҳақим борми?

Мархабо ҚАЙУМОВА
Тошкент шахри

ЎТГАН ДАВР УЧУН АЛИМЕНТ УНДИРСАМ БЎЛАДИМИ?

ЖАВОБ: Айримларда йиллар мобайнида тўланмаган алиментни судга мурожаат қилиш орқали ундириб олса бўлади, деган нотўғри тушунча бор. Амалда ундай эмас.

Оила кодексининг 136-моддасига биноан, алимент ундириш вояга етмаган боланинг ота-онаси расман ажрашган ёки бирга яшамай қўйган кунидан эмас, балки алимент ундиришни сўраб, судга мурожаат этилган санадан амалга оширилади.

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш ҳақида судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ўтган даврлар учун алимент ундириш масаласи суд томонидан ҳал этилади. Агар бола таъминоти учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилинганга қадар қўрилган, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахс уни тўлашдан бош тортигани аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб, уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

Дейлик, ота-она ўртасида бола таъминоти учун алимент тўлаш хусусида нотариял тасдиқланган келишув мавжуд, аммо собиқ эрингиз бир неча йил алимент тўлашдан бўйин товлаб келган. Ёки сиз судга никоҳни бекор қилиш ва алимент ундириш хусусида айнан бир вақтнинг ўзида мурожаат қилдингиз ва собиқ турмуш ўртоғингизга суд қарори билан алимент тўлаш мажбурияти юклатилди, лекин у 6 йил давомида алимент тўламади. Бундай ҳолатда суд ўтган даврнинг уч йилидан қўп бўлмаган вақт учун алимент ундирилиши ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Мулоқот

Нукус шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида битирувчи ёшлар учун ўзига хос имкониятлар эшигини очувчи амалий тадбир ташкил этилди. Унда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган таълим муассасаси – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси фаолияти ҳақида сўз борди.

ТАЪЛИМ ВА БИЗНЕСТА ИЛК ҚАДАМ

Мулоқот мобайнида академияда ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар, қабул жараёнлари, мутахассислик йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Бундан ташқари, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида бизнес режа тузиш борасида

даги тавсиялар билан ўртоқлашилди. Соҳа мутахассислари бизнес рояни шакллантириш, уни режалаштириш, молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва шахсий иш фаолиятини йўлга қўйишнинг дастлабки муҳим босқичлари ҳақида сўзлаб берди.

Очиқ ва самимий

руҳда бўлиб ўтган учрашувда битирувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Шубҳасиз, бу каби тадбирлар ёшларни меҳнат бозорига тайёрлашга, шахсий ва касбий ривожланишига хизмат қилади.

Фотима АБДУРАЙИМОВА
«ISHONCH»

СЎЗИ ҲИҚМАТ – ҲАЁТИ ИБРАТ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши биносига қадам қўйган кишининг нигоҳи дастлаб фойенинг ҳаммага кўринарли қисмига жойлаштирилган эхтиром пешлавахасига тушади. Стенддан тизимда қўп йиллар фидокорона ва ҳалол меҳнат қилиб, ҳудудда соҳа ривожига қатгга ҳисса қўшган бир гуруҳ фахрийларнинг суратлари ва ишлаган йиллари ҳақидаги маълумотлар жой олган. Уларнинг вилоят аҳли орасида обрў-нуфузи баланд, меҳнат фаолияти эса ҳамма учун ибрат бўлгулик даражада. Пешлаваха касаба уюшма фаолларига «Касбга меҳр қўйиб, тоза виждон билан, одамларни рози қилиб ишласангиз, мана шу азиз устозлар каби элнинг эътибор-ҳурматига сазовор бўласан» деган ҳаёт ҳақиқатини эслатиб туради.

Сирасини айтганда, вилоятда касаба уюшмаси фахрийлари билан бугунги жамоа ўртасидаги муносабатлар ҳавас қилгулик даражада. Федерациянинг вилоят кенгаши ҳузурда фахрийлар кенгаши фаолият олиб боради. Касабақўмлар устозлар ҳолидан тез-тез хабар олиш асосида уларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқларига таяниш, тажрибаларини ўрганиш пайида бўлади. Масалан, 2025 йилда бошқарма ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан тузил-

ган тармоқ ва ҳудудий келишувлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномалари орқали касаба уюшмалари тизимида ишлаган 156 нафар меҳнат фахрийси моддий қўллаб-қувватланди. Ушбу мақсадлар учун 124 миллион сўмдан зиёд маблағлар сарфланди.

Шу даврда «Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 200 нафарга яқин касаба уюшмалари фахрийлари ва уларнинг оила аъзолари учун мамлакатимизнинг шаҳарларига ҳамда ўз ҳудудларидаги қадамжоларга, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштирилди. Бундан ташқари, туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги лойиҳага асосан 60 нафар фахрий Тошкент, Самарқанд ва Хива шаҳарларида саёҳатда бўлди. Пенсияерларнинг бўш вақтларини сермозун ўтказишларида ҳисса қўиш мақсадида вилоят бўйлаб 235 нафар фахрийнинг концерт, театр, музей ва зиёратгоҳларга ташрифлари ташкил этилди.

– Фаолиятимнинг асосий қисми ўрта бўгин касаба уюшмалари тизими билан bog'liq, – дейди меҳнат фахрийси Бахтиёржон Жўраев. – Ишдаги қизғин жараён, кадрдон жамоадошлар билан бирга ўтган кунлар тез-тез қўз ўнгимда намён

бўлади. Уларнинг дилкаш суҳбатларини соғинаман. Ахир, ишхона – иккинчи оила, деб бежиз айтишмаган-қу. Шўкрки, ҳамкасбларим мени тез-тез йўқлаб, тадбирларга таклиф қилиб туришгани учун ҳам ўзимни ҳамон жамоа сафида деб биламан. Ҳар галги мулоқотлардан кўнглим тоғдек қўтарилади. Ўтган йили пойтахтга – касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишланган конференцияга таклиф қилиндим. Соҳанинг нуфузи ошиб, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдаги ваколат ва имкониятлари кенгаётганидан ниҳоятда қувондим.

Ҳаёт йўли қўпларга ибрат бўлмиш кексаларнинг ҳар сўзидан бир ҳикмат топасиз. Шу маънода касаба уюшма фахрийлари тизимда олиб бориладиган маънавий-маърифий тадбирлар, «Маърифат соати» йиғинларида тез-тез қатнашиб турадилар. Улар бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари моҳиятини ҳаётий мисоллар асосида, ўзлари ишлаган давр билан таққослаб тушунтириб берадилар.

Жорий йилда Фахрийлар кенгашининг низоми қайта кўриб чиқилди. Ҳужжатнинг бандлари ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол, ташаббускор фахрийларни нуфузли унвонлар, кўкрак нишонларига тавсия қилиб бориш, «Уч авлод учрашуви» лойиҳасининг даврийлигини ошириш, устозлар ва соҳа раҳбарлари ўртасида «Кека авлод учрашувлари» маслаҳат суҳбатларини ташкил этиб бориш, юбилей саналарни муносиб нишонлаш каби жиҳатлар билан янада бойитилди. Кенгашининг жорий йил бошида тузилган салмоқли иш режаси ҳам ўз вақтида бажарилаётгани кексаларни жамият ҳаётида янада фаол иштирок этишга рағбатлантирмоқда.

Қодиржон РИЗАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Андижон вилояти
кенгаши бўлим мудури

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

Яхшиилар шасин, яхшиилар!

Шаҳрисабз туманининг «Оқолтин» маҳалласида иштирақат қилувчи Хуршидабону Муҳаммадиева кутилмаганда танг аҳволда қолди. Унинг 6 ёшли қизалоғи Мубина боғчада ҳушидан кетди. Ҳамшира болани зудлик билан шифокорлар кўригидан ўтказиш зарурлигини уқтирди.

– Эрингиз қаерда? – дея сўради шифокор одмигина қўйлак-лозимда, ранглари ўчиб кетган рўмолининг учи билан оғзини ёпиб турган аёлга бошдан-оёқ разм соларкан. – Вазият жиддий. Тошкентга, Самарқандга олиб бориш, у ердаги малакали шифокорлар кўригидан ўтказиш зарур. Болангизнинг юраги оғир хаста...

– Қандай хасталик экан у? – деди зарда билан эри ва елкасидаги докани отиб юборди. – Пулим йўқ.

– Кимда ошиб-тошиб ётибди? – деди Хуршидабону бўғизга тиқилган алланечук аламдан овози титраб. – Ким касал бўлсин, дебди. Даволаймиз.

Ниҳоят, Мубинани Тошкентга олиб боришга келишдилар. Аммо Тошкентдаги шифокорларнинг жавоби эр-хотинни буткул довдиратиб қўйди. Ўша кунларни эсларкан, «Ичимга чироқ ёқса ёришмас эди. Нафасим қисиб келаварарди. Бошимда кучли шовқин пайдо бўлар, кўзим тиниб, қадамларим чалкашарди», дейди Хуршидабону.

Оила етишимовчиликдан қийналарди. Эр-хотин ўртасидаги можаролар тобора авж оларди. Бир кун эр туйқусдан «ажрашаман» деди. «Бўлди, тоқатим тоқ бўлди, ўн минг АҚШ доллари озмунча пул эмас. Мен уни топа олмайман. Ҳиндистонга ҳам олиб боролмайман. Шунча харажатдан кейин бола тузаладими, йўқми, Худога аён. Ўзи зўрга кунимни кўриб юрган бўлсам, бу ташвишлар билан умрим ўтиб кетишини истамайман».

У аёлни қизи билан кўчага ҳайдаб солди.

Хуршидабону икки-уч маҳалла нарига келин бўлиб тушган эди. Болаглигида отасидан айрилган, уни онаси ёлғиз боши билан вояга етказганди. Оиланинг бор-йўқ даромади онанинг камгина маоши эди, ҳолос. Мубинанинг бувиси ўша пайтларда туман шифохонасида фаррош бўлиб ишлар эди. У шу меҳнати ортидан рўзгор тебатарди.

Хуршидабонунинг келин қилиш ниятида келганлар рўзгори зўрга ўтиб турган оилалардан бўлиб чиқди. Тўй ҳам одмигина ўтди. Хуршидабону кунлик ишларга ёлланиб, озми-кўпми рўзгорга берака киритди. Оила бошига оғир мусибат тушгач эса, никоблар ечилди, кимнинг кимлиги ошкор бўлди.

Хуршидабону одоби, фаросати ўзгача қиз бўлиб улғайганди. Шу боис она уйда ҳам кунлик ишларга чиқиб, тоғганини йига бошлади. Бир йилда йигирма миллион сўмга яқин жамғарди. Аммо вақт ўтган сари Мубина тез-тез ҳушидан кетадиган бўлди.

– Ўша кезларда Яратгандан фақат бир имкон сўраб эдим, – дейди Хуршидабону. – Қизимни бу оғир мусибатдан қутқаришим, уни соғлом ҳаётга қайтаришим керак эди. Лекин минг ҳаракат қилмай, «қўлим калта» эди. Жамғарган пулларимни олиб, яна Тошкентга бордик, яна олдинги шифокорга учрашдик. «Аҳвол жуда оғир. Шу туришида ўз оёғи билан юргани мўъжиза», деди шифокор. Мен эса тиним билмай ишласам-да, керакли сумман йига олмаганимни, рўзгорим пароканда бўлиб кетганини ийманиб айтиб бердим. «Маҳаллага бординг, шароитингизни тушунтиринг. Ҳозир «Аёллар дафтари» деган тизим бор, зора, ёрдам беришса», дея йўл-йўриқ кўрсатди шифокор. У ёзиб берган дори-дармонларни олиб, уйга қайтдим. Маҳалладагилар ҳам ҳужжат билан ишлар экан. Сен турмушга чиқиб кетган маҳаллангда рўйхатда турасан, деб мени ҳеч қандай тизимга кирита олишмаслигини айтишди.

Хуршидабону қайси туйнукка бош сукмасин, бир нур кўринмас эди. Кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Бир ёруғлик йўқ, тасалли берувчи топилмади. Бир сафар у пахта чопиғига чиққан эди. Аёллар салқинлаш учун бироз тин олишди. Ўзаро суҳбат вақтида даврадагилардан бири интернетда туман хокими ёлғиз онага уй-жой кўриб берганини ўқиганини айтиб қолди.

– Мубина хаста эканини ҳеч кимга айта олмас эдим. Қиз бола бўлгани учун келасоғи эди, ҳолос. Мубинанинг бувиси ўша пайтларда туман шифохонасида фаррош бўлиб ишлар эди. У шу меҳнати ортидан рўзгор тебатарди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Вақт борида шоҳ асарларни ўқиб қолинг, акс ҳолда, бунга улгурмайсиз!
Торо

Шахсий фикр



Ҳар бир давлатнинг байроқ, гимн, герб сингари рамзлари бор. Булардан гимн мусиқий санъат турига мансуб, байроқ ва герб эса визуал — кўриб англанади. Шу билан бирга, ҳар бир давлатнинг ўз юлдузи бор. Аксар ҳолларда юлдуз тасвири байроққа туширилади ёки герб устида юлдуз тасвири муҳрланган бўлади. Кўрамизки, юлдуз ҳам муҳим рамз, у алоҳида ҳолда ҳам, гербда ҳам, байроқ узра ҳам намоён бўлади.

1991 йил 18 ноябрда тасдиқланган Ўзбекистон байроғининг юқори қисмида ўн иккита юлдуз уч қатор қилиб жойлаштирилган. Бу юлдузлар – беш қиррали. 1992 йил 2 июлда тасдиқланган Ўзбекистон гербининг энг юқори-сидаги ҳилол тасвири ичида ҳам беш қиррали юлдуз тасвири туширилган. Аммо кейинчалик саккиз қиррали октаэдр (иккита квадратнинг кўндаланг кўйилиши) шаклидаги юлдуз қўллана бошлади ва бизда икки хил юлдуз пайдо бўлди. Ҳозир кўп идораларнинг дарвоза-у пан-жараларида, идора ҳодимларининг бош кийи-ми-ю погонларида саккиз қиррали юлдуз бор.

Аслида, ҳар бир давлатнинг герби ё байроғи каби, юлдузи ҳам бир хил бўлади. Бизда эса ҳозир икки хил юлдуз нур сочяпти, улардан бири беш қиррали, иккинчиси эса саккиз қиррали.

Хўш, давлат рамзи сифатида юлдуз нимани англатади? Нима сабабдан дунёдаги деярли барча давлат байроқларига гул ё балиқ эмас, айнан юлдуз қадалган бўлади? Нега айрим давлат байроғида бир, бошқасида учта, бешта, элликта ва ҳоказо юлдуз тасвири чизилган?

Геральдика, нумизматика ва ҳоказо илмлар борки, булар турли замонларда турли давлатларда қандай рамзлар қўланганини тадқиқ этади. Каминангиз бу илмлардан унча баҳраманд эмас, аммо кўзатишимча, ҳар бир давлат байроғининг рангида ҳам, ундаги тасвирларда ҳам катта ижтимоий-сиёсий маъно намоён бўлади (масалан, Саудия Арабистони байроғи яшил – исломий тусда. Совет давлати байроғи эса қизил бўлиб, бу инқилоб учун жангаларда яра-ланган ё ҳалок бўлган йўқсилларнинг қонли кўйла-ги байроқ қилиб кўтарилган, деб талқин эти-ларди).

Давлат рамзлари деган бирикмадаги «рамз»

калимаси ўзи ҳам бирон белги ортида қандай маъно борлигига диққат қилиш лозимлигини кўрсатади. Гап юлдуз ҳақида борар экан, қайд қилиш керакки, дунёдаги аксар давлатларда юлдуз беш қиррали. Бу унинг қақнаб туришини яхшироқ ифода этади. Аммо қирралар сони неч-талигининг сиёсатга дахли йўқ. Зеро, шўро дав-латининг ҳам, мафкуравий жиҳатдан унинг зидди бўлган АҚШнинг ҳам, Доминика-ю Жибу-тининг ҳам, Хитой ва Албанининг ҳам, Покис-тон ва Чили, Буркина-Фасо ва Венесуэла... хул-лас, ўнлаб давлатлар юлдузи беш қиррали.

Юқорида ҳарбийлар, ички ишлар идо-ралари ҳодимлари ва ҳоказолар по-гонидида саккиз қиррали юлдуз қўлла-наётганини қайд этган эдик. Аммо бу саккизқирра – юлдуз эмас. «Ўзбе-кистон миллий энциклопедияси»да у «давлат ҳурулиги рамзи» деб таъ-рифланган: «Гербининг юқори қисмида давлат ҳурулигининг рамзи сифа-тида 8 бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвири бор» (3-жилд, 154-б.). Тилга олинган ярим ой (ҳилол) ёнидаги юл-дуз эса беш қиррали. Ҳилол бизнинг тарихий анъаналаримиз руҳини ифо-даласа, юлдуз одатдагидай ўз ўрнида келган. Кўрамизки, миллий энциклопедияда «юлдуз» деб беш қиррали юлдуз айтилипти. «Давлат ҳурулиги рамзи» дейилаётган саккизбурчак эса, аслида ҳошия, холос.

Аммо энциклопедиядаги жумланинг ав-валги қисми савол қўзғатади: қандай асосга

Ўзбекистон юлдузи

кўра октаэдр... «давлат ҳурлигининг рамзи» бўлади? Гербида шундай саккизқирра тасвири йўқ давлат ҳур эмас, қарам давлат саналадими? Биздан аввал қайси мустақил мамлакат уни шу-нақа рамз қилиб олган? Борингки, бу миллий нақшнинг бир шакли деб қабул қиладиган бўл-сак, ушбу октаэдр нима учун ҳозир юлдуз ўр-нида қўлланган?

Ўзбекистон гербида илк бор тасвир этил-ган ана шу октаэдрнинг қирралари кейинчалик янада учланиб, саккиз қиррали юлдуз шакли бе-рилди ва у погон ва ҳоказоларга кўчиб ўтди. Ўзбекистоннинг ҳақиқий юлдузи – сак-кизқирра эмас, бешқирра. Шўро давридагидан фарқли ўлароқ, тилларанг эмас, ҳақиқий юлдуз каби оқ, нурафшон. Давлат байроғимизда ҳам юлдуз оқ рангда.

Гербимиз ҳақидаги матнларнинг русча талқини янада антиқа. Унда «В верхней части герба находится восьмизранный, символизирующий утверждение республики», деб би-тилган. Бунақа матнлар бизда рус тилида тайёрланиб, кейин «давлат тили»га ўзгарилишини ҳисобга олсак, бу жуда шикал: гербида ана шундай «восмизранный» бўлмаган республи-калар эътироф этилмайди, деган бир хато хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади. Аммо нима бўлишидан қатъи назар, байроқ ҳақидаги қонун матнидаги «юлдуз» калимасида, герб ҳақидаги қонуннинг талқин ва шарҳларида «ярим ой ва юлдуз» деганда айнан беш қиррали юлдуз тилга олинган. Чу-нончи, энциклопедиядаги талқин Ўзе-бекистон байроғи ва герби ҳақидаги қо-нунлар матни асосида тайёрланган.

Демак, хулоса шуки, Ўзбекистон давлати рамзлари бўлган байроғимизда ҳам, герби-мизда ҳам юлдуз – беш қиррали юлдуздир, сак-кизқиррали эмас. Бинобарин, энди бу икки хил-ликка барҳам бериш: ё барча саккиз қиррали юлдузни беш қирраликка алмаштириш ёки дав-лат Байроғи ва Гербидаги беш қиррали юлдузни октаэдрга алмаштириб, бу ҳақдаги қонунларга ўзгартириш киритиш даркор.

Хўп, бу хато экан, аммо орадан талай йил-лар ўтди, энди шуни кўтариш шартми, деб ай-тишлари мумкин. Бизнингча, шарт. Яъни ё қо-нунга амал қилайлик, ё қонунни мавжуд хо-латга мувофиқ ҳолга келтирайлик. Иجتимоий жамиятда чиқарилган қонунлар табият қо-нунлари сингари абадий ўзгармас нарсга эмас, ҳаммаша ислоҳ этилишга, такомиллашишга муҳтож воқелиқдир.

Энди иккинчи масала. Давлат байроғидаги юлдузларнинг миқдори шу давлатда нечта қонун чиқарувчи орган бор-лигига далолат қилади. Масалан, АҚШ – феде-ратив давлат. Унинг байроғида элликта юлдуз тасвирланган, зеро АҚШ элликта штатдан ибор-рат. Ва ҳар бир штат ўз қонун чиқариш органига эга.

Аммо бу ҳолда «Шўро давлати ўн беш рес-публика (шунингдек, кўплаб автоном респу-бликалар)дан иборат «иттифоқ» эди, уларнинг ҳар бирида қонун чиқарувчи органлар бўлган, ҳолбуки, шўро байроғида биттагина юлдуз бор эди?» деган савол туғилиши мумкин.

Сабоби, шўро давлатида иттифоқ қонунлари республика қонунларидан устун кучга эга эди; масалан, республика қонунидидаги қайсидир хо-лат «Иттифоқ» қонунига зид келса, «маҳаллий» қонун эътиборга олинмай, Иттифоқ қонуни қўлланар, демак, улар номига эди. Америкада аксинча: ҳар бир штатнинг қонуни шу штат ҳу-дудида мамлакат қонунларидан устун туради, шунинг учун унинг байроғида элликта юлдуз бор. Бирма байроғида эса битта катта бешқирра юлдуз ва унинг атрофига бешта бешқирра юл-дуз доира шаклида жойлаштирилган. Чунки Бирма ўз маъмурий тўзлишига кўра олти қисм – Асл Бирма (катта юлдуз), Котулей, Кая, Качин, Шан каби давлатлар ва Чин махус округи (ки-чик юлдузлар)дан иборат. Уларнинг ҳар бирида қонун чиқарувчи органлар бор.

Хўш, Ўзбекистон Давлат байроғида юл-дузлар сони нима сабабга кўра ўн ик-кита? Аксар матнларда бу қуйидагича изоҳланган: «Юлдузлар барча учун руҳоний, илоҳий титмсол саналган. Ўз-бекистон Республикаси Давлат бай-роғидаги 12 юлдуз тасвири ҳам тари-хий анъаналаримиз, қадимги йилно-мамизга бевоесита алоқадор. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги дав-латлар илмий тафаккурида нуҳум илми тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади. Давлат байроғимиздаги 12 юлдуз тас-вирини ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг қомилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим».

Кўрамизки, бир ҳодисага уч хил изоҳ берил-ган: «тарихий анъаналар, қадимги йилнома», «Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатларда нуҳум илми тараққий этганлиги» ҳамда «ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг қо-милликка, ўз тупроғида саодатга интилиши»...

Аслида, бу талқинларнинг ўзи изоҳга муҳтож: қадимги йилнома дегани фақат Ўзбекистонда эмас, бутун Осиё қитъасида – дунёнинг яр-мида амал қилган мучал саногидирки, унга ҳурмат билдириш учун айнан Ўзбекистон давлат байроғида ўн икки мучални юлдуз шаклида акс эттириши шарт эмас.

Иккинчи асос ҳам мулоҳазатлаб: «бу сарҳаддаги (аслида «худуд» бўлиши керак, сарҳад – чегара дегани) қадимги давлатлар «илмий тафаккурида нуҳум илми» (жумла га-лизлигига қаранг!) тараққий этгани учун» юл-дузлар сони ўн иккита бўлса, мантиқан, бу илм кўпроқ ривожланган мамлакатларнинг байроғида юлдузлар сони янада ортиқроқ бўладими?

Ва ниҳоят, «халқ маданиятининг қадимий-лиги, унинг қомилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши» давлат байроғидаги юлдузлар сони 12 та бўлишини тақозо этмайди. Байроғидаги юлдузлари камроқ давлатлар халқларининг ма-данияти кейин шаклланмаган, улар ҳам қомил-ликка интилади, «ўз тупроғи»ни бизлардай се-вишади ҳам.

Такорр айтамиз, давлат байроғидаги юлдуз-лар сони шунчаки белгиланмайди, у ушбу мам-лакатда нечта қонун чиқарувчи орган борли-гини билдиради; қонун чиқарувчи янги орган пайдо бўлса ё камайса, байроққа ҳам шунга қараб ўзгартиш киритилади. Масалан, АҚШнинг Давлат байроғи ҳозиргача йигирма саккиз бора янгиланган. АҚШ дастлаб таркиб топганида уюшган штатлар сони ўн учта эди; давлат бай-роғидаги юлдузлар сони ҳам ўн учта бўлган, ҳо-зир юлдузлар сони элликта, чунки АҚШ давлати эллик штатдан иборат.

Тўғри, Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғис-тон Республикаси бор ва унда қонун чиқарувчи орган – Жоқарғи Кенгес мавжуд. Аммо Қорақал-поғистон қонунлари Ўзбекистон қонунлари би-лан мувофиқ келмаган ҳолларда Ўзбекистон қонунлари устувор ҳисобланади, бинобарин, Ўзбекистон Давлат байроғида иккита юлдуз тас-вирланиши лозим эмас.

Албатта, байроғида юлдузлар сони турлича бўлган давлатлар кўп. Уларнинг барчасида ҳам юлдузлар сони қонун чиқарувчи органлар билан мувофиқ эмас. Аммо бу ҳол кўпинча майда, илм шаклланмаган мамлакатларга хос. Биз эса, Дав-лат байроғи ҳақида қонунда тўғри дарж этил-ганидай, тарихий анъаналарга эга, қадимий маданият соҳиби бўлган йирик бир халқ сифа-тида, бундай масалаларда ҳам қомилликка ин-тилиб, байроғимиздаги юлдузлар сонини битта қилиб тасвирласак, тўғри бўлар эди.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ, публицист

БОЛАЛАРНИ БОЙЛАРДАН ЕЗДИРМАЙЛИК

ёхуд XXI аср эртаклари қандай бўлиши керак?

«Бир бор экан, бир йўқ экан... Қадим замонларда бир меҳнатсевар, кўнгли очик камбағал одам яшаган экан. Унинг рўпарасида эса золим, очкўз ва ниҳоятда хасис бир бой кўшниси бор экан»...

Бу жумлалар сизга таниш, шундай эмасми? Барча-миз эшитиб улғайган ўзбек халқ эртакларининг ет-миш-саксон фоизи мана шундай андоза билан бош-ланади. «Уч ака-ука ва бой», «Мақтанчоқ бой» каби ўнлаб эртакларимизда ёки болалигимизнинг ажралмас қисми бўлган классик мультфильмларимизда воқеалар ривожини бир хил чизик бўйлаб кетди: камбағал қаҳрамон доим до-нишманд, ҳалол ва мазлум, бой эса албатта семиз, калта-фаҳм, золим ва нафси ҳакалал отган кимса. Халқ севган Афанди ёки Алдар кўса бойларни лақиллатиб, бор-будини шилиб кетса, қарсак чалиб, қувонганмиз. Чунки ақлу шуу-римизда бойни жазолаш адолатдан, деган тушунча мақкам ўрнашган эди.

Тўғри, ўз даврида бу сюжетлар ижтимоий тенгсизликка қарши курашиш, камбағаллар ва заҳматкаш халқнинг руҳини кўтариш, уларга умид бериш учун хизмат қилган-дир. Аммо биз бугун XXI асрда, бозор иқтисодиёти, тад-биркорлик ва эркин рақобат замонида яшаяпмиз. Хўш, бой ёмон одам, у алдамчи ва хасис бўлади, деган мафкурадан сув ичган бола улғайгач, жамиятга қандай қўз билан қа-райди?


Энг хавфлиси, бундай тарбия кўрган бола катта бўл-ганида гидрокидаги кўркүб билан яшай бошлайди: «Агар мен ҳам бой бўлсам, хасис ва ёмон одамга айланаман, мени ҳеч ким яхши кўрмайди, эртаклардагидек ҳамма устим-дан қулади». Оқибатда у онгсиз равишда муваффақиятдан, молиявий эркинликдан қоча бошлайди.

Бугун биз фарзандларимизни бадавлат ва муваффақи-ятли инсонлардан бездириб қўймадик, уларда ҳавас туй-гусини уйғотиш ҳақида жиддий бош қотиришимиз шарт.

Замон ўзгарган экан, фарзандларимиз онгида пул ва муваффақиятга нисбатан соғлом иммунитетни қандай шакллантиришимиз зарур? Фарзандингиз билан эртак ўқи-ётганда ёки фильм томоша қилаётганда, диққатни қаҳра-моннинг ҳамёнига эмас, унинг инсоний фазилатларига қаратишингиз лозим. Масалан, бу одам бой бўлгани учун эмас, балки атрофидагиларга қўпол муносабатда бўлгани ва ўз ишчиларини алдагани учун салбий қаҳрамонга ай-ланган. Пул инсонни ёмон тарафга ўзгартирмайди, унинг ичидаги иллатлар пул орқали яққолроқ кўринади, холос, деган тушунчани сингдириш керак. Бола бойлик ва ёмон-лик синоним эмаслигини англаши лозим.

Қолаверса, бугунги ўзбек болалар адабиёти, мультипли-кацияси ва театрлари олдида катта масъулият турибди. Бизга ҳалол тадбиркорлик билан шуғулланадиган, зако-ватли, минглаб одамларни иш билан таъминлаётган, мак-таб ва кутубхоналар қураётган янги замон қаҳрамонлари керак. Болалар Афандининг бойни лақиллатганига эмас, балки замонавий иқтисодий лойиҳалар орқали ўз оиласи ва юртига наф келтираётган интеллектуал тадбиркорлар-нинг ақл-идрокига ҳавас қилиб улғайиши зарур.

Кўпинча болаларни бадавлат шахслардан бездиради-ган омил эртаклардан ҳам кўра оиладаги кундалик суҳбат-лардир. Кечки овқат устида, фарзандлар даврасида ким-



нингдир қимматбаҳо машинаси ёки янги уйи ҳақида гап кетганда билдириладиган муносабат боланинг келажагини белгилайди. Агар катталар томонидан «Ҳа, бунга ҳалол пул билан олиб бўпти, ортидан қанча одамни қақшатган бўлса керак» каби асоссиз шубҳага борилса, боланинг онгида бойларга нисбатан нафрат илдиш отади. Бунинг ўрнига «Кўрдингми, болам, бу инсон жуда кўп меҳнат қилибди, из-ланибди. Сен ҳам яхши ўқисанг, ўз соҳангнинг кучли мута-хассиси бўлсанг, албатта, мана шундай ютуқларга эриша-сан», дейиш энг тўғри тарбиядир.

Одамлардаги «Бойлик бу – иллат», деган эски совет маф-курасидан қолган қарашларни бутунлай туғатиш вақти келди. Биз бойликдан безган эмас, балки ҳалол бойликка интиладиган, тадбиркор ва яратувчан авлодни тарбияла-шимиз шарт.

Жамият ривожининг пойдеворига назар ташласак, ба-давлат инсонлар ва йирик тадбиркорлар нафақат ўз ои-ласини, балки бутун инсониятни олдинга ҳаракатланти-рувчи асосий куч эканини англаймиз. Бу ҳақиқатни ту-шуниш учун иқтисодий ва психологик қонуниятларга, хусусан, инсон эҳтиёжларининг босқичларига эътибор ка-ратиш кифоя.

Қўндалик ҳаётда оддий камбағал одамнинг бор-йўқ ташвиши, мақсади рўзгорини тўлдириш, оиласини боқиш, уй-жой қилиш ва қўндалик бирламчи эҳтиёжларини қонди-ришдан ортмайди. Бу табиий ҳол, чунки инсон қорни оқ тур-ганда ёки эртанги кундан хавотирда бўлган пайтда қонинот кенгликлари, глобал муаммолар ёки юксак технологиялар ҳақида қайғура олмайд. Қашшоқлик ва моддий етишмов-

чилик инсоннинг тафаккур доирасини фақат бугунги кун ти-рикчилиги деган тор рамкага солиб қўяди.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, Илон Маск каби миллиар-дерлар бор-будини тикиб, космосда тадқиқот ўтказиши ва Марсни забт этиш ҳақида бош қотириши замирида катта иқтисодий эркинлик ётади. Улар моддий эҳтиёжлар зан-жирдан алақаңон узилган бўлиб, гўш-ёғ ёки фарзанд-ларининг контракт пулини тўлаш каби майда ташвишлар-дан йироқда. Чунки моддий мустақиллик инсонга вақт ва фикрлаш эркинлигини беради. Бу, ўз навбатида, юксакроқ мақсадлар, инсоният келажагини ўзгартириш ва янги каш-фиётлар қилиш истагини тугдиради.

Агар жамиятда фақат еб-ичишни ўйлайдиган одамлар яшаганида эди, инсоният ҳали ҳам ўрта асрлар босқичида, чиросиз ва интернетсиз, от-аравада юрган бўларди. Ба-давлат инсонлар очган йирик қорхона ва заводлар милли-онлаб оддий оилаларнинг рўзғори тўлишига сабаб бўлувчи янги иш ўринларини яратди.

Шу сабабли фарзандларимизга бой бўлиш жамиятга ва миллатга кенг қўламда хизмат қилиш имкони эканини ўргатишимиз керак. Болаларимиз рўзгорининг кам-қўстини тўлдиришдан ҳам юксакроқ мақсадларни кўзлашни ўрган-син десак, уларни муваффақиятли инсонлардан безди-рмаслигимиз, алалхусус, эртакларимиздаги «хасис бой» об-разига янгича, замонавий ва ҳолис ёндашувларни олиб ки-ришимиз шарт.

Дилдора ИБРОҲИМОВА «ISHONCH»



ШОНЛИ ЎТМИШ ВА БОЙ МАДАНИЯТНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда қурилаётган йирик иншоотлар ёки амалга оширилаётган хайрли та-шаббуслар жамоатчилик томонидан турлича баҳоланмоқда. Кимдир унинг иқтисодий самарасига тўх-талса, бошқа биров уларга бугунги эҳтиёжлар нуқтаи назаридан ёндашяпти. Аммо кенг кўламли бунёд-корликлар орасида шундай лойиҳалар ҳам борки, уларнинг ҳақиқий қиймати бир ёки беш йилдан кейин эмас, балки ўнлаб йиллар ўтгач, намоён бўлади. Менимча, Ислом цивилизацияси маркази ана шундай стратегик аҳамиятга эга лойиҳалардан бири.

Назаримда, ушбу мажмуа оддий музей ёки сайёҳлик объекти ҳам эмас, аксинча, халқимиз тарихини, маънавиятини ва илм-фан соҳасидаги буюк меросини за-монавий дунёга намоён қилишга қа-ратилган улкан маърифий обидадир. Бугун кўпинча Уйғониш даври, илм-фан тараққиёти ёки буюк каш-фиётлар ҳақида сўз кетганда Европа олимлари тилга олинади. Албатта, уларнинг инсоният тараққиётидаги ўрни бекиёс. Аммо ҳақиқат шунки, жаҳон илм-фани тарихида Марказий Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган алломаларнинг ҳам ўрни бекиёс. Бу инкор этиб бўл-мас ҳақиқат. Зеро, ал-Хоразмийнинг алгебра соҳасидаги ишлари, Аҳмад

ал-Фарғонийнинг астрономия бўй-и-ча тадқиқотлари, Абу Райҳон Бери-нийнинг қомусий илмий мероси, Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги кашфиётлари, Мирзо Улуғбекнинг астрономик кузатувлари нафақат Шарқ, балки бутун инсоният та-раққиётининг муҳим пойдеворлари ҳисобланади. Афсуски, бу ҳақиқатни баъзан ўзимиз ҳам етарли даражада англаб етмаймиз. Ёшларимиз буюк аждод-лари ҳақида билишадиган, аммо улар қолдирган меросни, илм-фанга қўшган ҳиссасини тўлиқ тасаввур қила олишмайди. Шу нуқтаи назар-дан қараганда, Ислом цивилизация-си маркази тарих билан бугунги кун ўртасида кўприк вазифасини

бажармоқда, десак, асло муболага бўлмайди. У ўтмишни шунчаки на-моиш этиш учун эмас, балки ке-лажак учун хизмат қилиши шубҳа-сиз. Чунки тарихни билишнинг ўзи етарли эмас. Ундан илҳом олиш, ху-лоса чиқариш ва янги гоёлар яратиш муҳим.

Бугун дунё иқтисодиётида рақо-бат ресурслар ёки хомашё учун эмас, билим ва инновациялар учун кечяпти. Сунъий интеллект, рақамли технологиялар асрида яша-яшамиз. Бундай шароитда эса мам-лакатнинг энг катта бойлиги нефть ёки газ эмас, балки интеллектуал са-лоҳият ҳисобланади.

Ислом цивилизацияси маркази-нинг аҳамияти ҳам айнан шунда. У

Муносабат

ёш авлод онгига: «Сен буюк аждод-лар ворисисан, сен ҳам ярата оласан, сен ҳам кашфиёт қила оласан», деган гоёяни сингдиради.

Иншоотнинг яна бир муҳим жиҳати унинг иқтисодий аҳамияти-дир. Бугун туризм кўплаб давлатлар иқтисодиётининг муҳим тармоғига айланган. Туристлар дам олиш бил-лан бир қаторда, тарих, маданият ва илм-фан билан танишиш учун ҳам сафар қиладилар. Назаримда, маж-муа тез орада бутун минтақа учун муҳим илмий ва туристик манзилга айланади. Бу эса меҳмонхоналар, транспорт, логистика, ҳунармандчи-лик, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳа-ларининг ривожланишига туртки беради.

Яна бир жиҳатга эътибор қара-тиш лозим. Бугун дунёда кўплаб халқлар ўз миллий брендини тарихи ва маданий мероси орқали шакллан-тирмоқда. Францияни Парижсиз, Мисрни пирамидаларсиз, Италия-ни Римсиз тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон эса Буюк Ипак йўли, Са-марқанд, Бухоро, Хива ва улуг алло-малари билан тилга олинади. Ис-лом цивилизацияси маркази ана шу миллий брендимизни янада тани-тишга, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Аслида ҳар бир давлатнинг раҳ-барлари фаолияти мобайнида йўл-лар, кўприklar, заводлар ёки янги шаҳарлар барпо этишади. Аммо ўша халқнинг маънавий хотирасига хиз-мат қиладиган, унинг илмий ме-росини келажак авлодларга етказадиган марказларни барпо этиш ҳам-масига ҳам насиб этавермайди. Шу маънода, Ислом цивилизацияси марказини Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилган энг узок муддатли ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар-дан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Орадан неча йиллар, балки аср-лар ўтар. Эҳтимол, бугунги ислохот-ларнинг айрим натижалари вақт ўтиши билан янгиланар, айрим ин-шоотлар эскирар ҳам. Лекин миллат-нинг тарихи, илм-фани ва маънавий меросини ўзида муҳассам этган бун-дай марказлар ҳеч қачон ўз аҳамия-тини йўқотмайди.

Носир МИЯНМАЛИКОВ,

иқтисодчи юрист,
истеъфодаги ҳарбий полковник

МУНДИАЛДА НИМА ГАПЛАР?

ЖЧ – 2026

23-мартаба ўтказилаётган жаҳон чем-пионати янги рекордлар, антика натижа-лар, қутилмаган қарорлар билан ҳам фут-бол тарихига янги саҳифа ёзяпти. Чем-пионатнинг очилиш ўйинида 3 та қизил қарточка кўрсатилгани, самоилик ҳакам-нинг АҚШга киритилмагани, Эрон терма жамоасига фақат ўйин қуналари АҚШга ке-либ, кейин дарров Мексикадаги базасига қайтиб кетиш талаби қўйилгани...

Бугун ҳам жаҳон биринчилиги атрофи-даги шу каби қизиқ воқеалардан бир чим-дим ҳавола этамиз.

ТРАМП ҚОЙДАНИ БУЗАДИМИ?
«TalkSport» порталнинг ёзишича, Халқаро футбол федерацияси (FIFA) жаҳон чемпионати финал учрашуви якунида бўлиб ўтадиган голиб жамоани тақдирлаш маросимида АҚШ прези-денти Дональд Трамп амалдаги қойдани бузишига қарши эмас.

FIFA ўрнатган тартибга кўра, жаҳон кубоги чемпион бўлган жамоа сардорига топширилгач, у шохсупадаги жамоадоллари сафига қўшилади. Аммо Дональд Трамп, агар ўзи шунга хоҳласа, ку-бокни топширгач, шохсупага ўтиб, жаҳон чемпи-онлари билан биргаликда ушбу ютуқни нишон-лаши мумкин бўлади.

Қайд этилишича, FIFA расмийлари АҚШ пре-зидентини бу ҳақда хабардор қилишган.

ИСПАНЛАРНИНГ ОМАДИ КЕЛМАЯПТИ
Хабарингиз бор, Испания терма жамоаси мун-диалнинг биринчи турида Кабо-Верде футболчи-

лари билан дуранг ўйнади – 0:0.

«Бунинг нимаси омадсизлик, ахир ютқазиш-мади-ку?» дерсиз. Гап шундаки, испанлар жаҳон чемпионатларида тўртта ўйиндан бери ғалаба қозона олмапти. Ёдингизда бўлса, Қатарда бў-либ ўтган ЖЧ – 2022 нинг гуруҳ босқичида улар Германия билан дуранг (1:1) ўйнашган, Японияга ютқазилган (1:2) ва 1/8 финалда эса пенальтилар сериясида Марокашга мағлуб бўлишган (0:3) эди.

УСИК ТАХМИН ҚИЛДИ

Профессионал боксинг WBC, WBA ҳамда IBF йўналишларида супер оғир вазнда жаҳон чемпи-они Александр Усик мундиалда ким голиб чиқиши борасида ўз тахминини билдирди.

У «DAZN» платформасининг ижти-моий тармоқларидаги мақо-ласи тағида «Португалия ва Криштиану Роналду чемпион бўлади», деб изоҳ қолдир-ган.

«ҲАКАМДАН НОРОЗИМАН!»

Миср терма жамо-аси баш мураббийи Ҳоссам Ҳасан дуранг (1:1) билан якунланган Бельгия билан ўйиндан кейин ҳакамлик борасида фикр билдирди. «USA Today»-нинг ёзишича, Ҳасан бош ҳакам-нинг айрим қарорларидан норози бўлиб шундай деган: «Бизнинг фойдамизга юз фоизлик пе-нальти бўлган эди, лекин ҳа-кам ҳатто VARга қараб ҳам

қўймади. Агар менинг футболчиларим шунақа қо-идабузарлик қилганида, дарвозамизга пеналти белгиланиши аниқ эди.

МЕССИ РЕКОРДГА ЯҚИН

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган сонида Лионель Месси Германия терма жамоасининг со-биқ ҳужумчиси Мирослав Клозенинг жаҳон че-мпионатларида киритилган 16 та тўпдан иборат рекордини янгиллаши мумкинлиги ҳақида ёзган эдик. 17 июнь куни бўлиб ўтган Аргентина – Жа-зоир терма жамоалари ўртасидаги учрашуда Месси рақиб дарвозасига 3 та тўп киритиб, Клозегга етиб олди. Энди у кейинги турда яна битта гол урса, рекорд янгиланади.

Яна бир маълумот: Аргентина – Жазоир ўйинидан кейин Месси 6 та жаҳон чемпи-онатига майдонга тушган илк футболчига айланиб, бу борада ҳам ўзига хос рекорд ўрнатди.

ОНА-БОЛА ФУТБОЛЧИЛАР

Янги Зеландиялик Женни Биндон хоним 2007 ва 2011 йил-ларда ушбу мамлакат аёллар терма жа-моаси сафида жаҳон чемпионатларида иштирок этган. 2026 йилги мундиалда эса унинг ўғли Тайлер Биндон Янги Зе-ландия шарафини ҳимоя қилмоқда. Шу тариқа, бу оила футбол тари-хига турли йилларда жаҳон че-мпионатларида иштирок этган илк она-бола футболчи сифа-тида кирди.

Дармон ИБРОҲИМОВ

«ISHONCH»

Мароккли
дам олинг,
азиз газетхон!

Эргаш Йўлдошев ижросида

«ЭЙ САРВИ
РАВОН»

қўшиғи

Санджон Калонов мусикаси

Эй сарви равон, надур ҳаёлинг,
Жон ўртади ваёдан висолинг.
Пайваста дуойи хайр этарман,
Мақсудим эрур сенинг камолинг.

Нодира газали

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Кенгашнинг ма-даний-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Равшанбек Абдуназарович Мансуровга турмуш ўртоғи **Мухаббат Абдумуталовна МАНСУРОВА** вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Хадичахон КАРИМОВА,

Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

MUASSIS:



2007-йil 11-yanvarda
**O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.**

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shohqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulrubbegim ODASHBOYEVA
Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV
Bosishga topshirish vaqti – 22:40
Topshirildi – 23:00
Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifati chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmiylashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 220 ta

Shundan: 6 555 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 464 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma: G-611
1 2 3 4 5 6